

XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ

Исмоилова Роҳила
Қарши ДУ магистранти

КПСС МК Апрель (1985 й) пленумида Совет жамиятини “қайта қуриш” бу жамият ҳаётининг барча соҳаларини “чуқур ислоҳ қилиш” масаласи қўйилди. Қабул қилинган қарорда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, ошкоралик, иқтисодий ўсишни фан-техника ютуқларига таяниб жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди¹.

Бироқ узоқ йиллар ҳукмронлик қилган давлат монополияси, идоралари, бюрократик аппарат кўзда тутилган режаларни амалга оширишга йўл қўймади. Қайта қуриш сиёсатини амалга оширишга қанчалик ҳаракат қилинмасин кутилган натижаларга эришилмади. Ҳар бир ўтган кун совет тузуми ҳалокатидан далолат бериб бора бошлади. Ушбу жараённи Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қашқадарё вилояти мисолида кўриб чиқамиз.

1984-85 йилларда Қашқадарёда “пахта иши”, “ўзбеклар иши” сиёсати авж олиб кетиб, вилоятнинг кўплаб қишлоқларидаги хўжалик раҳбарлар, етакчи мутахассислар, экспедиторлар, бош ҳисобчилар, кассирлар, бўлим мудирлари, пахта заводининг директорлари, пахта қабул қилиш пунктлари-нинг ходимлари устидан тергов ишлари бошланиб кетди. 1984 йилда Қашқадарёдаги хўжаликларда ҳақиқатда мавжуд бўлмаган 94 минг қўй қўшиб ёзилгани маълум бўлди. 1985 йилнинг январидан 1984 йилнинг январига нисбатан қорамол туёқ сони 4 минг 400 тага, қўй эчкилар сони 39 мингга камайиб кетди.

1985 йилда Қашқадарёда юзага келган муҳит ишчи ва колхозчиларнинг раҳбар ходимларнинг ўз вазифаларини самарали адо этишларига имкон бермади. Турли сабаблар билан ишдан қолишлар ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келтирилмади. Иш вақтидан унумли фойдаланилмади. Кадрлар қўнимсиз-лиги юқори даражага кўтарилди. Вилоят раҳбариятининг иқтисодий-ижтимоий соҳадаги фаолияти қониқарли йўлга қўйилмади. Баъзи меҳнаткашлар тер тўкиб ишласа, бошқалар эса кун бўйи бекорчиликдан қўли бўшамай, иш ҳақини олиб келмоқда эди. Хўжалик раҳбарлари жойлардаги партия ташкилоти етарлича адолатли раҳбарлик қила олмади. Натижада давлат томонидан белгиланган ишаб чиқариш режаларини бажариш имконияти бўлмади.

1985 йилда Қашқадарё саноати талаб даражасидан паст кўрсаткичларда ишлаб, 98 та саноат корхонасидан 14 таси режаларни бажара олмади¹. 1985 йилда қашқадарёлик пахтакорлар давлатга 434,4 минг хом-ашё, шу жумладан 106,3 минг тонна ипак пахта топширдилар. Вилоят 1985 йилда давлатга пахта етказиб бериш режасини бажара олмаган бўлса-да, 1984 йилга нисбатан 96,3 минг тонна пахтани кўп топширди².

1985 йилда Шаҳрисабз район Энегльс номли колхозда 900 ўринли, Мираки посёлкасида 400 ўринли клублар, Ленинград колхозини ва Ҳисорак сув ҳавзаси бошқармасида аҳолига комплекс маиший хизмат кўрсатиш уйи чойхона, клуб, спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу йили район касалхоналарда 1981 йилга нисбатан ўринлар сони 205 тага кенгайтирилди, шу вақт ичида 60 ўринли болалар, 50 ўринли гепатит ва 60 ўринли она ва болалар касалликлари шифохоналар, “Шаҳрисабз” массивида 25 ўринли, Филон қишлоғида 20 ўринли қишлоқ участка

¹ М.С.Горбачев. Избранные речи и статьи.Т.2.М.: Политиздат. 1987.-С.152-173.

¹ Совет Ўзбекистони/1986 1 февраль.

² Қашқадарьинская правда/1986 г. 8 февраль.

касалхоналари ишга туширилди. Касалхоналар сони 6 тага, қишлоқ врачлик амбулаториялари 7 тага, фельдшер акушерлик пунктлари 5 тага кўпайтирилди.

1986 йилда Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи 1985 йилдагига нисбатан ҳам оғир бўлди. “Пахта иши”, “ўзбеклар иши” жараёни янада кучайиб раҳбар ходимларни қамоққа олиш, партия сафидан чиқариш кўпайди. Бу ҳолат эса 1986 йил режаларини бажаришга салбий таъсир этди.

Қарши қурилиш бошқармасида ишдан қолишлар, иш вақтини йўқотиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Кадрлар қўнимсизлиги 28% ни ташкил этди. Қатор районларда режалаштирилган қурилишлар ўз вақтида бажарилмади. Бу ишда Китоб, Қамаш, Ғузор районларининг иши айниқса қоникарсиз бўлди.

Қашқадарёдаги 184 та колхоз ва совхоздан 108 таси хўжалик йилини зарар билан яқунлади, шунинг учун вилоят давлатга пахта, мева ва полиз экинлари, гўшт, тухум, сут ва бошқа маҳсулотлар сотиш режаларини бажармади. Вилоятнинг Чироқчи районида эса 1986 йилда давлатга пахта топшириш режасини 35,9 % га адо этилди¹.

1986 йилда Қашқадарё областининг Ульянов районидаги қатор колхоз ва совхозларини техника билан таъминлаш соҳасидаги камчиликларни бартараф этишга киришилди.

Жумладан, шу райондаги «Партия XX съезди» совхозида ҳар бир техника воситаси хўжалик ҳисобига ўтказилиб механизаторга ижарага берилди. Айни пайтда совхозда ремонт устахонасининг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинди⁴.

1986 йилда вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1985 йилга нисбатан 171,2 млн сўмга кўпайиб 1223,2 млн. сўмни ташкил этди.

1986 йилда жами 789,7 млн. сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу 1985 йилга нисбатан 149,2 млн. сўмга камайди.

Қашқадарёда давлатга пахта, сабзавот, полиз экинлари ва мевалар топшириш 1985 йилга нисбатан камайиб кетди. 1985 йилда 434,4 минг тонна пахта топширилган бўлса, 1986 йилда 354,6 минг тонна пахта топширилди. 1986 йилда 450,8 млн.сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди¹.

1986 йилда Қашқадарёда мавжуд 143 хўжаликнинг 136 таси, пахтачилик бригадаларининг қарийб 82 фоизи қоқоқлик ва қарздорлик ботқоғига ботиб вилоят бўйича ҳар гектаридан ҳосилдорлик атиги 14 центнерни ташкил этган². 50 минг гектар ерни қамиш босган, 60 минг гектар ер кучли даражада шўрланган. Қашқадарё вилоятдаги раҳбар кадрларнинг қарийб 900 нафари алмаштирилган. Туман ва шаҳар партия қўмиталарининг қатор котиблари, ижроқўм раислари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек яқиндагина ишга тавсия этилган, эндигина иш бошлаган кўпдан-кўп масъул шахслар вазифасидан олиб ташланган. Аммо бу ўзгаришлар мавжуд аҳволнинг ўнгланишига таъсир кўрсатмаган. Ишлар орқага кетган йиллар давомида ечилмай келаётган ижтимоий муаммолар туфайли аҳоли ўртасида норозилик кундан-кунга авж олган. Лавозимидан олинган раҳбар ва мутахассисларнинг барчаси ҳам ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун жазога тортилган, деб бўлмасди.

¹ Қашқадарьинская правда/14 апрель 1987 года.

⁴ Носиров Р. Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш масалалари.-Т.: 1988.-Б.16.

¹ Қашқадарьинская правда/3 февраль 1987 года.

² Қашқадарё ҳақиқати/1987 й. 3 февраль.

1986 йил январда Чироқчи район аҳолисига жами 1110 ўринли 10 та касалхона, шундан 395 ўринли 5 та қишлоқ участка касалхонаси, 11 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 18 хил мутахассисликда хизмат кўрсатадиган марказий район поликлиникаси, 7 хил мутахассисликда хизмат кўрсатадиган болалар поликлиникаси, стоматология поликлиникаси, тери-таносил касалликлари диспансери, 14 та клиник лаборатория силга қарши курашувчи диспансер, 14 та клиник лаборатория, 80 та фельдшер-акушерлик пунктлари хизмат қилган.

1986 йилда Қашқадарё вилоятида қарийб 700 та қишлоқ нормал ичимлик суви билан таъминланмаган. 150 қишлоқда табиий газ йўқ эди. Қашқадарё-нинг 28 та қишлоқларида магазинлар бўлмаган. 327 та қишлоқда маиший хизмат корхоналари қурилмаган. Айниқса, Деҳқонобод, Қамаш, Яккабоғ ва бошқа районларда ижтимоий соҳага қишлоқда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш соҳасидаги фаолиятлари талабга мутлақо жавоб бермаган. Биргина У.Юсупов район Сулаймон Муродов совхозидан Қарши қурилиш бошқармасининг айби билан водопровод, асфальт йўл, қишки клуб қурилмасдан қолган, совхоздаги 80 та пахтачилик бригадасининг фақат 16 тасида дала шийпони мавжуд бўлган турар жойларда маиший хизматни йўлга қўйишни ўйлашмаган¹.

1986 йилда Ғузор районида ичимлик сувининг муаммоси пишиб етилган. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш ҳам қониқарсиз аҳволда бўлган. Биргина Ғузор шаҳар аҳолисининг 45-50 фоизи ичимлик суви билан таъминланган. Ғузор район марказидаги сув қузури бундан 20-25 йил муқаддам ўтказилганлиги сабабли уларнинг кўпчилиги яроқсиз ҳолатга келган.

Лекин, ўтган 1982-1984 йилларда бирор метр ҳам труба янгиси билан алмаштирилмаган. 1985 йилда линиялардан сув ҳайдалганда, баъзи жойларга сув етиб бормасдан қолган. Чунки трубалар чириб чиқиндиларга тўлиб қолган. Бу аҳволдан халқ ҳақли равишда норози бўлишган. Район аҳолисини ичимлик суви билан таъминловчи Қамаш-Ғузор сув йўлида бош режадаги учта ўрнига атиги битта сув тўплагич қуриш ҳам кун тартибига қўйилмаган.

Қашқадарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғирлашиб, халқнинг раҳбариятдан норозилиги ортиб, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” натижасида кўп оилалар бошига оғирликлар тушган бир пайтда Ўзбекистон КП Марказий Қўмитаси Қашқадарё вилоят қўмитасининг биринчи котиби Нормўмин Туроповни вазифасидан озод қилди ва унинг ўрнига И.А.Каримовни қўйишга қарор қилди².

Ўзбекистон КП Қашқадарё вилоят қўмитасининг 1986 йил 26 декабрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленумида Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари Давлат план комитетининг раиси вазифасида ишлаб келаётган Ислон Абдуғаниевич Каримов биринчи котиб этиб сайланди. Ўзбекистон КП Қашқадарё вилоят қўмитасининг ушбу пленумида таъкидланганидек, вилоятда халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича 1986 йилнинг ўн бир ойлик режалари бажарилмаган, капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари раҳбарият эътиборидан четда қолган эди. И.А.Каримов ўз атрофига Қашқадарёнинг оқсоқолларини, партия, совет раҳбарларини тўплаб, барча имкониятларни ўрганиб чиқиб, вилоятда намоён бўлган муҳитни ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшилашга киришди. Район ва қишлоқларга бориб аҳоли билан учрашди. Партиядан ўчирилиб, судланиб, жавобгарликка

¹ Қашқадарьинская правда. 10 декабря 1987 г.

² Қашқадарьинская правда/10 декабря 1988 г.

тортилган кишиларнинг шикоятларини тинглаб, унинг ижобий ечимини излади. Ишлатилмасдан қолган маблағларни жадаллик билан фойдаланишни таъминлади.

Қашқадарё вилоятида 1987-88 йилларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 35 млн. сўм пул сарфланди. Шу даврда Қашқадарёда 250 км. йўл қурилди. 15 минг квартира табиий газ билан таъминланди. Янгидан эса 5 та саломатлик пунктлари ташкил этилди¹.

Қашқадарё шифохоналарида ўринлар сонининг ўсиши билан бирга уларнинг асбоб-ускуналар билан таъминланишига эътибор кучайди, беморлар тиббиёт асбоб-ускуналаридан тўлиқ фойдаланиши имкониятлари қидирилди.

1987-88 йилларда Қашқадарё қишлоқлари ҳаётида ижтимоий-иқтисодий соҳада силжишлар кўзга ташлансада маҳсулот ишлаб чиқаришда қолоқлик таъсири кучли эди. Давлатга 374 минг тонна пахта, 58 минг тонна ғалла, 25 минг тонна гўшт, 12 минг тонна сут кам топширилди. Қишлоқ хўжалигида сарфланган 1 сўмга 75 тийин фойда олинди. Ўша йилларда Қашқадарёда ижтимоий соҳага капитал маблағ сарфлаш 10 фоизга, ташкилотлар ва корхоналар ҳисобидан эса маблағ 15 фоизга ўсган холос. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 фоизга кўпайди. Аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15 фоизга, сабзаёт етиштириш 30 фоизга, полиз маҳсулотлари 38 фоизга, картошка етиштириш 32 фоизга кўпайтирилди.

1987-1988 йилларда Косон районида хўжаликлар ҳисобидан 3 та мактаб, 57 та синф хонаси 4 та медпункт, 3 та ҳаммом, 5 та магазин, 37 та дўкон, 27 та маиший хизмат корхонаси қуриб ишга туширилган. 100 км йўл таъмирланган. Шундай ютуқларга Қашқадарёнинг қолган районларда эришилмади.

1987 йилда Қашқадарёда 4 мингдан зиёд врач ва 12,5 минг нафар ўрта маълумотли тиббий ходим аҳолига медицина хизмати кўрсатди. Ҳар бир врачга 370 аҳоли ҳар бир медицина ҳамшираси ёки фельдшерга 120 аҳоли тўғри келди. Касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари тармоғи кенгайди. Пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 510 ўринли касалхоналар ва ҳар сменада 1,8 минг беморни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари қурилди. Аҳолининг юқори малакали медицина ёрдамига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўла қондирилмади. Қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш даражаси анча орқада қолди.

1988 йил январда Чироқчи районида 10 та касалхона, 13 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 85 та мед пункт бўлиб, улар район аҳолиси учун камлик қилган. Масалан: Районда аҳолиси 300 дан зиёд бўлган 133 та қишлоқ бор бўлиб, район бўйича мавжуд медпункт эса 85 та бўлган. Демак, яна 48 та қишлоқда медпункт қуриш керак бўлган. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, мавжуд 85 та медпунктнинг атиги биттаси намунавий лойиҳа асосида қурилган. Қолганлари эса мослаштирилган биноларда фаолият олиб борган.

Хуллас, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришдаги имкониятлардан Қашқадарё вилоят агросаноат кўмитаси тармоқларида ҳам етарли даражада фойдаланилмаган. Натижада агросаноат комплексида ана шундай товарлар ишлаб чиқариш режалари амалга ошмаган.

¹ Кашкадарьинская правда/10 декабря 1988 г.

ААБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

REFERENCES:

1. Bobur, R., Parviz, N., & Shoxsanam, B. (2022). O'ZBEKISTONDA GASTRONOMIK TURIZM VA UNING RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 817-824.
2. Gulomkhasanov, E., & Rakhmatova, N. (2022). THE ROLE OF TASHKENT IN THE DEVELOPMENT OF TOURISM. *Scientific progress*, 3(1), 183-188.
3. Mekhruza, V., Malokhat, S., Rustam, T., & Bakhora, R. (2022). PERFORMANCE OF HILTON: HOW HILTON TACKLES THE EPIDEMIC COVID-19 DISEASE. *Thematis Journal of Business Management*, 5(2).
4. Ro'ziyev, B. A. (2022). MARKAZIY OSIYO DAVLATLARIDA TURIZM RIVOJLANISHINING TAHLILI. *Gospodarka i Innowacje*, 24, 388-389.
5. Ruziyev, B., & Bakhridinova, Y. (2022). LOGISTICS: TYPES OF TRANSPORT. *Scientific progress*, 3(2), 456-462.
6. Mekhruza, V., & Umidjon, J. (2022). INTERNATIONAL TRADE TRENDS IN UZBEKISTAN. *Journal of Academic Leadership*, 21(1).
7. Akmaljon, O., Erkin, G., & Nodira, M. (2022). DIGITAL MARKETING. *Uzbek Scholar Journal*, 10, 112-116.
8. Jakhongir, O. (2022). FINANCIAL POLICY. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 592-597.
9. Jakhongir, O. (2022). WAYS OF DEVELOPING THE FINANCIAL MARKET. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(9), 569-574.
10. Nigora, A. (2022). ACCOUNTING STANDARDS AND QUALITIES. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(9), 533-539.
11. Nigora, A. (2022). MONETARY POLICY. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(10), 585-591.
12. ALIMKHANOVNA, A. N. Applying Effective Methods to Stabilize Inflation: the Role and Importance of Monetary Policy in Curbing Inflation. *International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, 7(4), 1-4.
13. Jalolova, M. A. Q., & Obidova, G. K. (2022). Ingliz tilida yuklamalarni tasniflashda zamonaviy yondashuvlar. *Science and Education*, 3(6), 1471-1475.
14. Махкамова, D., & Obidova, G. (2022). EXPRESSION OF "RESPECT" DURING ONLINE LESSONS ВЫРАЖЕНИЕ "УВАЖЕНИЯ" ВО ВРЕМЯ ОНЛАЙН-УРОКОВ ONLAYN DARSLAR DAVOMIDA "HURMAT" IFODASI. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(1), 454-458.
15. Obidova, G. K. (2022). INGLIZ TILINI O'RGANISHDA EKOLOGIK MADANIYATNI RIVOJLANISHINI TA'MINLOVCHI OMILLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 20), 124-129.
16. Обидова, Г. К. Гуманизация и интеграция в экологизации образовательного процесса. *ХАБАРШЫСЫ*, 55.
17. Anis, A., Shakhnoza, K., & Shoira, K. (2020). Role of the acetylsalicylic acid in the treatment of coronary artery disease. *Biomedical Research*, 31(4), 82-85.
18. Alyavi, A. L., Khodjanova, S. I., Uzokov, J. K., & Kadirova, S. (2021). Aspirin Resistance in Patients with Chronic Coronary Syndrome. *Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology*, 15(3), 1843.

19. Сапаева, З. А., Жаббаров, О. О., Кадирова, Ш. А., & Ходжанова, Ш. И. (2019). ВЛИЯНИЕ АНТИГИПЕРТЕНЗИВНЫХ ПРЕПАРАТОВ НА ПОКАЗАТЕЛИ АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИИ У БОЛЬНЫХ С СИСТЕМОЙ КРАСНОЙ ВОЛЧАНКИ. *Экономика и социум*, (10), 266-271.
20. Iskandarovna, K. S. (2022). Evaluation Of Platelet Aggregation Activity Depending on The Duration of Antiplatelet Administration in Patients with Coronary Heart Disease. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 754-760.
21. Кодирова, Ш. А., & Ходжанова, Ш. И. (2022). ФАКТОРЫ РИСКА, ВЛИЯЮЩИЕ НА ТЕЧЕНИЯ ОСТРОГО КОРОНАРНОГО СИНДРОМА. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 1(6), 109-110.
22. Кодирова, Ш. А., & Ходжанова, Ш. И. (2022). ВАЖНОСТЬ СИМУЛЯЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЯХ (Doctoral dissertation, ОРГАНИЗАЦИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ СИМУЛЯЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ В МЕДИЦИНЕ).
23. Salikhovna, Y. S. (2022). Basics of Hygienic Assessment of Children's Physical Development in Preschool Educational Institutions. *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, 119-123.
24. Ядгарова, Ш. С., Саитов, Ш. О., & Набиева, С. С. (2020). ТРЕБОВАНИЯ К ПИТАНИЮ И ПРИМЕНЕНИЕ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ДОБАВОК ПРИ COVID-19. *Новый день в медицине*, (4), 715-717.
25. Salikhovna, Y. S. (2022). A Modern Approach to the Health Status and Cognitive Development of Children and Adolescents During The Reform of the Preschool Educational Institution. *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI*, 124-127.
26. Salixovna, Y. S. (2022). HYGIENIC ASSESSMENT OF THE HEALTH STATE AND PHYSICAL DEVELOPMENT OF PRESCHOOL CHILDREN UNDER COMBINED EXPOSURE TO CHEMICAL FACTORS OF THE ENVIRONMENT. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 3(1), 139-144.
27. Khadjimuratova, U. (2021). Language features of the genres of official business style. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(3).
28. Umida, U. B. (2021). USING ART AND CRAFTS TO TEACH ENGLISH TO YOUNG CHILDREN. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
29. Хаджимурадова, У., & Каттабоева, М. (2022). ЦИФРОВИЗАЦИЯ И ИНФОРМАТИЗАЦИЯ ИНОЯЗЫЧНОГО ОБРАЗОВАНИЯ КАК УСЛОВИЕ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ ФАКУЛЬТЕТА ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(13), 111-115.
30. Каттабоева, М. (2020). В2 BOSQICH O'QUVCHILARINING MASOFADAN TURIB NUTQ KO'NIKALARINI TAKOMILLASHTIRISH: MOODLE TAJRIBASIDA. *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ*, (SI-2№ 5).
31. Рахматов, М. Г., & оглы Джаббаров, М. С. (2021). ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 4(9).
32. Рахматов, М. Г. (2021). 1917 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН БУТУНТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙЛАРИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 4(6).
33. Рахматов, М. Г. (2016). УСТАНОВЛЕНИЕ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В ТУРКЕСТАНЕ И ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА ПАРТИИ БОЛЬШЕВИКОВ. *Современные проблемы социально-гуманитарных наук*, (6), 66-73.

34. Рахматов, М. Г. (2021). 1917 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН ҚУРУЛТОЙЛАР ҲАМДА ТУРКИСТОН ЎЛКА МУСУЛМОНЛАРИ ШЎРОСИНИНГ ТУЗИЛИШИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 4(9).
35. Gaybullayevich, R. M. (2017). Increasing of famine at council of ministers and it's outcomes in Fergana region. *European Journal of Humanities and Social Sciences*, (1).
36. Рахматов, М. Г. (2019). ТУРАР РЫСКУЛОВ О ГОЛОДЕ В ТУРКЕСТАНСКОЙ АССР И О ЕГО ПОСЛЕДСТВИЯХ. *Qazaqtaný*, (4), 98-102.
37. Rakhmatov, M. G. (2020). POLITICAL SITUATIONS IN UZBEKISTAN AND THEIR IMPACT ON CULTURAL LIFE (50S YEARS OF THE TWENTITH CENTURY). *Theoretical & Applied Science*, (5), 188-191.